



Қаҳрамон Ражабов,  
Шодмон Ҳайитов

# УСМОН ХҲҶА

13

## “ТАРИХ ВА ТАҚДИР”

руқнида чоп этилаётган рисодалар:

- |                            |                        |
|----------------------------|------------------------|
| 1. АМИР ТЕМУР              | 16. АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ |
| 2. АЛП ЭР ТУНГА (АФРОСИЁБ) | 17. НАЖМИДДИН КУБРО    |
| 3. ТУН ЯБҒУ-ХОҶОН          | 18. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД |
| 4. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ   | 19. АЛИШЕР НАВОИЙ      |
| 5. УЛУҒБЕК                 | 20. МАҲДУМИ АЪ-ЗАМ     |
| 6. БОБУР                   | 21. МАШРАБ             |
| 7. МУҲАММАД ШАЙБОНИЙҲОН    | 22. МУҚАННА            |
| 8. УБАЙДУЛЛАХОН            | 23. КАТТА ЭРГАШ        |
| 9. АБДУЛЛАХОН II           | 24. МАДАМИНБЕК         |
| 10. НАСРУЛЛОҲҲОН           | 25. ШЕРМУҲАММАДБЕК     |
| 11. ШОҲМУРОД               | 26. ЖУНАИДҲОН          |
| 12. АМИР ОЛИМИҲОН          | 27. ИБРОҲИМБЕК         |
| 13. УСМОН ХҲҶА             | 28. МУЛЛА АБДУЛКАҲҲОР  |
| 14. ФАЙЗУЛЛА ХҲҶАЕВ        | 29. ҲАМРО ПОЛВОҲ       |
| 15. АБУ АЛИ ИБН СИНО       | 30. ПУЛЛАТ СОЛИЕВ      |

ISBN 978-9943-336-57-5



“ABU MATBUOT-KONSALT”



ҚАҲРАМОН РАЖАБОВ,  
ШОДМОН ҲАЙИТОВ

# Усмон Ҳўжа

(рисола)

ТОШКЕНТ  
«ABU MATBUOT-KONSALT»  
2011

УДК 94(575)(092) Усмон Хўжа  
ББК 63.3(5У)6  
Р17

Лойиҳа муаллифи:  
тарих фанлари доктори Қ.К. Ражабов

Тақризчи:  
тарих фанлари доктори, профессор С.И. Иноятов

Ражабов, Қаҳрамон.

Усмон Хўжа (рисола) / Қ.К. Ражабов, Ш. Хайитов; лойиҳа муаллифи Қ.К. Ражабов. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. – 36 б. – (Тарих ва тақдир).

1. Хайитов, Шодмон.

XX аср тарих зарварақларида инсоният тараққиёлига дахлдор буюк кашфиётлари, оламшумул воқеа ва ҳодисалари, мураккаб тақдирли ажойиб сиймолари билан муҳрланди. Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев) ҳам Туркистон халқларининг миллий озодлиги, эрки ва мустақиллиги учун курашган ана шундай ёрқин шахслардан бири эди. Ушбу тарихий рисола кенг китобхонлар оммасита мўлжалланган.

УДК 94(575)(092) Усмон Хўжа  
ББК 63.3(5У)6

ISBN 978-9943-336-57-5

© «ABU MATBUOT-KONSALT», 2011 й.

## Сўзбоши

Мустақилликнинг дастлабки 20 йили давомида Туркистон озодлиги учун курашган ҳамда ўзбек халқининг мустақиллиги ва эркин яшashi учун ўз жонларини фидо қилган юртдошларимиз тўғрисида кўплаб асарлар яратилди. XX асрнинг дастлабки чорагида Туркистон минтақасида рўй берган мураккаб сиёсий жараёнлар, ҳарбий ҳаракатлар ва тарихий воқеалар силсиласида миллат озодлиги учун кураш майдонига кириб, сунгра муҳожирликка жўнаб кетишга мажбур бўлган ўзбек халқининг юз минглаб фарзандлари бор. Мустақиллик учун курашган ана шундай юрт фидойилари ўртасида Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси, миллий озодлик ҳаракатининг мафурачиларидан бири Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев) муҳим ўрин эгаллайди.

Айнан XX асрда миллийлик жаҳон тараққиётида ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳим аҳамият ва салмоқ касб этди. Таниқли давлат арбоби Усмон Хўжа XX аср 30-йилларидаёқ келгусида жаҳон тараққиётининг ривожланиши мустамлакачилик асорати остида турган миллатларнинг мустақил давлат тузиши ва миллий масала қандай ҳал қилинишига боғлиқ, деб фараз қилганида янглишмаган эди. Усмон Хўжанинг бу фикрлари XX асрдаги тарихий жараёнларда ўзининг тўла тасдиғини топди.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда мустақилликка эришгач, ўзбек халқининг Усмон Хўжага ўхшаган фидойи ўғлонлари ҳақида улارнинг ўз юртида эркин фикр юритиш ва сўз айтиш имконияти тўғилди. Биз ана шу имкониятдан фойдаланиб, ўзбек китобхонлари ва бутунги баркамол авлодга Усмон Хўжа ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш ва ёзишга журъат этдик. Мазкур тарихий рисолада сўз Усмон Хўжа фаолияти ҳақида боради.

## Бегубор болалик ва ёшликдаги жўшқин йиллар

**Б**ухоро амирлиги ўзининг қорақўл териси, ипак маҳсулотлари, ширин-шакар мевалари ва доривор ўсимликлари билан дунёга машхур бир юрт эдиким, Ипак йўлининг қадим қарвон йўллари кесишган бу табаррук заминда аҳоли орасидан йирик тадбиркорлар, савдогарлар егишиб чиққан бўлиб, улар нафақат Россиянинг Москва, Новгород, Рязань, Макарьевск бозорлари, балки олис Европанинг Лион, Париж (Франция), Берлин, Лейпциг (Германия), Лондон (Англия) каби машхур шаҳарларидаги савдо ярмаркаларида ҳам фаол иштирок этишарди. Дунёда олтин кўприк номи билан шуҳрат қозongan Истанбул (Туркия), Африкани Европа қитъаси билан боғловчи Александрия (Миср), ислом дунёсининг муқаддас шаҳарлари бўлмиш Макка ва Мадинада Бухоро савдогарларининг шахсий савдо дўконлари бор эди.

Бухоролик йирик сармоядор савдогарлар орасида XIX асрда Мурод Ашурбой қарвонбоши, Кароматуллох Хўжа савдогар, Пўлатбой қарвонбоши сингари шахслар алоҳида мавқе ва мартабага эга эдилар. Савдо-сотик соҳасида тажрибага эга кишилар ўз фарзандларини ҳам имкон қадар ушбу соҳа сирларидан воқиф қилиб, ўз тижорат ишларини давом эттиришда муносиб ворислар бўлиб етиштиларини орзу қилишарди. Мана шундай йирик савдогарлардан бири, Бухоро ички ва ташқи савдоси муносабабларида бошлиқ бўлган, алоҳида мартаба соҳиб Кароматуллох Хўжа хонадонида ўғил фарзанд – Пўлат Хўжа дунёга келади.

Пўлат Хўжа камолга еганидан сўнг ота касби – тижорат иши билан машғул бўлди ва қисқа вақт ичида йирик сармоядорга айланди. У савдо-сотик ишларини ривожлантириш, хари-доргир моллар сотиб олиш ёки ўз товарларини сотиб даромад қилиш мақсадида Фарғона водийсидаги Андижон, Марғилон, Қува, Хўжанд, Ўш каби шаҳарларга ҳам вақти-вақти билан сарфарлар қилиб турган. Ўш (ҳозирги Қирғизистон Республикаси ҳудудидаги шаҳар)да ўзининг хусусий дўконларига эга бўлган

Пўлат Хўжа Кароматуллох ўғли бу ерда мусулмончилик удумларини сақлаган ҳолда Фотима ойим исмли ўзбек аёлига уйланди. Пўлат Хўжа Фотима оймдан 1878 йили фарзанд кўриб, унга Усмон Хўжа деб исм қўяди. Айрим манбаларда Усмон Хўжа Ўш шаҳрида, баъзиларида эса Бухоро шаҳрида тутилганлиги таъкидланади.

Усмон Хўжанинг бобоси Кароматуллох Хўжадан Қосимхўжа ва Пўлатхўжа тутилган эди. Усмон Хўжа иккинчи фарзанд Пўлатхўжадан тутилган бўлиб, унинг Отаулла Хўжа номили укаси ҳам бўлган. Таниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев (1896–1938) Усмон Хўжанинг амакиваччаси ҳисобланади. Усмон Хўжа бошланғич маълумотни ота юртида олади. Воқеалар тафсилотида бир қадар илгарилаб, хронологик кетма-кетлик тартиби бузилса-да, қайд қилиш лозимки, Усмон Хўжа ўз ҳаёти давомида турли хотинларидан тўрт фарзанд кўрган. Биринчи фарзанди Ҳодихўжа унинг Бухородаги хотинидан тутилган. Туркон ўзинчи исмли ўғли Фирдавс исмли хотинидан тутилган бўлса, ўзой ва Темур Хўжа эса Туркияда, Ҳақилма исмли хотинидан тутилган фарзандларидир.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Бухорода ислохотчилик ҳаракати кучайиб, жадидчилик ғоялари ёйилётган бир давр эди. Жадидчиликнинг ғоявий отаси Исмоилбек Гаспринский (1851–1914)нинг маърифатпарварлик қараплари XIX асрнинг 80-йилларидаёқ илғор фикрли кишилар орасида тарқалганди. Бухоро зиёлилари «Таржимон» газетаси орқали 1883–1884 йиллардаёқ янги усул мактабларидан воқиф бўлишган.

1884 йилда «Таржимон» газетасининг 1000 нафар оубуначисидан 200 таси Туркистондан эди. Бухорога Ўралолди ва Волгабўйидан савдо-сотик ва хунармандчилик қилиш мақсадида кучиб келган татарлардан бирининг фарзанди Н. Собитов XIX асрнинг 90-йилларидаёқ Бухорода биринчи жадида мактабини очган. Бу жадида мактаби татарлар томонидан очилган бўлиб, мактаб ўқувчилари орасида маҳаллий халқларнинг вакиллари озчиликни ташкил қилган.

Тарихчи ва давлат арбоби Мирза Салимбек (1850–1930) ўзининг «Тарихи Салимий» асарида ёзишча, вардонзелик

Мулла Жўрабой XIX аср охирларида Истанбулда таҳсил олгач, Россияда ҳам бўлган. Мулла Жўрабой ҳам Бухорога қайтгач, 1900 йилда ўз тутилган қишлоғида, баъзи манбаларда келтирилишича эса Пўстиндўзон қишлоғида Бухоро амирлиги ҳудудидаги дастлабки жадид (янги усул) мактабини очади.

Туркияда султон Абдулҳамид II режимида қарши Ёш турклар ҳаракати авж олиб, уларнинг илғор фикрлари Бухорога етиб келган эди. Чунки Туркиянинг Истанбул, Кўнния, Измир, Анқара каби бир қатор шаҳарларида бухоролик савдогарлар доимий савдо-сотик билан шугулланишарди. Усмон Хўжанинг болалик ва ёшлик йиллари ана шундай жўшқин сиёсий, маданий жараёнлар кечган бир даврга тўғри келди. Унинг ёшлик йиллари Бухорода янгилик ва ўзгаришлар учун курашлар бўсағасидаги воқеалар тизими билан боғланиб кетди.

### Туркия сафари

**III** Туркияда Ёш турклар ҳокимияти (1908) ўрнатилмасидан олдин ҳам бухоролик илғор фикрли бадавлат шахслар иқтидорли болаларни, ўз фарзандларини Туркияда ўқитиш чораларини кўришган. Архив ҳужжатларида ёзилишича: «Бухоронинг *обру-эйтиборли руҳонийларидан бири Нурали Хасанов 6 йил олдин Хаж ибодатидан қайта туриб, Туркия сулмони билан учрашган, у фарзанди Ғиёс Хасановни олий маълумот олиши учун Истанбулда қолдирган. Ғ. Хасанов 1911 йилда Бухорога қайтиб келган ва «Бухорои шариф» газетасини чоп этиши фаолларидан биридир».*

Истанбулда бухороликларнинг иккита – «Бухоро таълимимими [таълимим] маориф жамияти» ва «Фан ва илмларни тарғиб қилиш жамияти» иш олиб борган. Амирликдан бу мамлакатга доимий вакил қилиб Абдулҳамид Абдулрахмон афанди юборилган эди.

Бундан ташқари, «Бухоро агентлари Мукаммалидин Махсум Бурҳонов ва Муҳтор Бурҳоновлар ҳомийлигида Бухоро амирлигидан 30 та ўқувчи Истанбулда ўқитилмоқда», – деб ёзилади яна бир тарихий ҳужжатда. Ҳақиқатан ҳам, Туркия

ўпа пайтда уйғонаётган Шарқ дунёси учун умид кўприги бўлганди.

Шунинг учун Бухорода бошланғич ва мадраса таълимини олган Усмон Хўжа ўз сафдошлари билан бирга ушбу мамлакатга интилди. У 1908–1909 йиллар оралиғида, дўсти Ҳомид Хўжа (Ҳомидхўжа Меҳрий) билан бирга Эрон орқали Туркияга сафар қилади. Бундан кўзланган мақсад Ёш турклар фаолияти билан яқиндан танишиш, Туркиядаги ўзгаришлардан воқиф бўлиш, у ерда замонавий илмлардан таҳсил олиш каби талайгина орзу-умидларни рўёбга чиқариш эди. Туркиялик ўзбек мухожири Аҳмад Найимнинг «Усмон Хўжа» мақоласида қайд қилинишича, Усмон Хўжа ва Ҳомидхўжа Меҳрийнинг ушбу мамлакатга сафари Россиянинг Истанбулдаги элчисини ташвишга солган. У подшо Россияси императори Николаи II га бу ҳақда хабар етказган.

Император Бухоро амири Абдулаҳадхондан (ҳукмронлик даври: 1885–1910) Усмон Хўжа ва Ҳомидхўжа Меҳрий ҳақида маълумот сўрайди. Абдулаҳадхон: «Улар ёш болалардир. Туркияга таҳсил олиш учун борганлар», – деб жавоб қайтаради.

Бизнингча, бухоролик ёшларга Россия империяси ҳукмрон доиралари бу қадар қизиқиш билан қараши бежиз эмас эди. Биринчидан, Россия империяси бухороликларнинг хорижий мамлакатларга ўзига нисбатан душманлик кайфиятида бўлган Эрон орқали бориб келишлари учун йўл қўймасликка ҳаракаат қиларди. Шунинг учун Истанбул, Мадина зийрағи ва Маккага Хаж ибодатига борувчиларни Бағуми, Феодосия, Одесса, Севастополь шаҳарлари орқали юбориш чоралари кўрилганди.

Иккинчидан, турк тарихчиси Меҳмет Саройнинг ёзишича, Туркия ҳукумати бу иккала дўстнинг Истанбулга қилган ташрифига расмий тус бериб, уларни шахсан ҳукумат ҳарбий нозирани Анвар Пошо (1881–1922) кутиб олган ва ўзаро мулоқотда бўлган, деб маълумот бериши ҳам муҳимдир. Туркияда тўрт йил давомида (1908–1912) таълим олган Усмон Хўжа ва Ҳомидхўжа Меҳрий бир олам умидлар билан Бухорога қайтдилар.

Улардан сўнг 1911–1912 йилларда «Бухоро таъмими маориф жамияти» ёрдамида бухоролик бир қатор ёшлар Туркияда таҳсил олдилар. Демак, Усмон Хўжа XX аср бошларида Туркияга илм олиш мақсадида билинчилардан бўлиб сафар қилган илгор фикрли ёшлардан эди. У Туркия сафаридан қайтган 1912 йилда яна 30 нафар бухоролик ёшлар Истанбулга таҳсил олиш учун юборилди. Хуллас, 1911–1913 йилларда Усмон Хўжанинг туғилган укаси Отаулла Хўжаев (1880–1937) ва Мазҳар Махсум, Бурхон Махсум, Абдурауф Фитраг, Муқимбеклар ҳам Туркияда ўқиб қайтдилар.

1912 йил бошларида Усмон Хўжа Бухорога қайтгач, жадид мактабларидан бирини қайта ташкил қилди. У «Тарбия агфол» (1908 йилда тузилган) махфий ташкилотининг фаол аъзоларидан бири сифатида жадид мактабларини моддий жиҳатдан ҳам таъминлаб турган.

XX аср бошларида оид архив ҳужжатларида Усмон Хўжа фаолияти ёритилган материаллар мавжуд. Россия империясининг Янги Бухоро (Когон)даги хуфийси Бельман томонидан йўланган махфий мактуб (1912 йил 24 февраль)да кўрсатилишича, «Усмон Хўжа Истанбулдан кўнлаб сиёсий рисоалар олиб келган. У туркчилик ва исломчилик гояларини тарғиб қилиш билан шуғулланган, яширин сиёсий ташкилот ҳаётида фаол қатнашган».

### Маориф фидойиси ва тарғиботчиси

Усмон Хўжа Истанбулдан қайтгач, «Тарбия агфол» («Болалар тарбияси») ташкилоти фаолияти ҳамда «Бухорои шариф» ва «Гурон» газеталарини ташкил этишдек хайрли ишлардан ҳам четда турмаган. Бундан ташқари, янги режа ва мақсадларни амалга ошириш ниятида у Бухоро амирлигининг Кигоб, Шаҳрисабз, Карки бекликларида қизгин маърифатчилик тарғиботини бошлаб юборди. Айниқса, Карки беклиги Афғонистон ва Россия империяси билан савдо-соғил, маданий алоқаларда муҳим роль ўйнади. Амударёнинг ўрта қисмида жойлашган Карки шаҳрида 1910 йилдаёқ дастлабки жадид мактаби очилганди. Бу шаҳарда рус ҳарбий гарнизони жойлаштирилган бўлиб, Россия савдогарларида божсиз савдо-соғил қилиш ҳуқуқи

берилганди. Туркиядан қайтган ёшлар орасидаги маърифатпарварлик фаолиятида Усмон Хўжанинг етакчилик роли яққол ажралиб турган.

Файзулла Хўжаев кейинчалик ўзининг «Хотирамда» (1921 йил сентябрь) мақоласида қуйидагича ёзган эди: «1912–1913 йилларда масала янгидан очилди. Фақат бу дафъа явадгисидан кучли ва муникул бир сураида эди. Ёрилган мактабларни янгидан очиниша бир суръатда ишга киришдилар. Бошида Усмон Хўжа идорасида очилган ибтидоий мактаб бўлиб, 4–5 мактаб буюк-буюк қадамлар билан илгари боса берди. Фитрат ва Хомидхўжанинг таҳсилдан қайтиб келиши ишга яна бир руҳ берди. Доно Усмон Хўжа билан биродар бўлиб, баъзи масалаларга қўшилган эсамда бу дафъаки кенг масала бутун жиддийлиги билан мени икхлос эттирди».

Усмон Хўжа ташкил этган жадид мактабларида таълим-тарбия жараёнлари бутунлай янги тартиблар асосида йўлга қўйилган эди. Болаларни ёшларига қараб синфларга бўлиш, бир кунда 4–5 соатдан ортиқ дарс ўтмаслик, ҳар бир дарсдан сўнг 10 дақиқалик танафуз жорий қилиш, асосий эътиборни дунёвий фанларни ўқитишга қаратиш, асосан, биринчи босқичда ўқувчиларнинг саводини чиқариш, жума ва якшанба кунлари дам олишни жорий қилиш, 10 ойлик таҳсилдан сўнг болаларга таътил бериш, ўқувчилардан вақти-вақти билан имтиҳон олиб туриш, болаларни ёруғ ва мумкин қадар шинам хоналарда ўқитиб, ўқитиш жараёнида кўргазмали куруллар: глобус ва хариталардан фойдаланиш қоидаларига эътибор қаратилган. Ташкилотчи Адей Клоденинг ёзишича, Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пулгаўжаев) Туркиядан Бухорога ўз ҳисобидан ўқув куруллари, глобус, хариталар, турк тилига таржима қилинган Европа адабиётларини олиб келган эди.

Таъкидлаш жоизки, 1917 йилга қадар, Бухорода Ёш бухороликлар фирқаси амирликни ағдарувчи сиёсий кучга айлангунича, Усмон Хўжа амирлик ҳудудида рўй бераётган маданий-маърифий жараёнларнинг марказида турган.

## Ватан тақдирини ўйлаб...

**Б**иринчи жаҳон уруши йилларида, айниқса, 1916 йилдан бошлаб Бухоро амирлиги ва бутун Туркистон минтақаси тараққийпарварлар ҳаракатининг йўлбошчилари ҳамда етакчилари орасида Усмон Хўжанинг исми Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Абдурауф Фитратлар қаторида кўп тилга олинади.

Усмон Хўжа дунё сиёсатида рўй берган воқеаларни ҳам сертак кузагиб борган. У Туркиянинг Европа мамлакатлари асоратидан қутулиш учун олиб борган курашларини маъқуллаган.

Маълумки, 1912–1914 йилларда Бухоро шахрида 7000 турк, 4000 афғон фуқароси истиқомат қилган. Биринчи ва иккинчи Болқон урушлари (1912 йил 9 октябрь – 1913 йил 30 май; 1913 йил 29 июнь – 10 август) даврида Туркистон аҳолиси Туркияга моддий ёрдам кўрсатган. Архив манбаларида 1912 йилда Туркистон аҳолиси Болқон урушида иштирок этган турклар учун 40 минг сўм маблағ тўплаб юборганилиги, бухоролик Абдураззок афанди ўз шахсий жамғармасидан 25 минг сўм ҳада қилганилиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Усмон Хўжа ҳам бундай хайрли ишлардан четда турмаган.

Бухорода жадидчилик ҳаракати маданий-маърифий фаолиятдан токи Ёш бухороликлар фирқасига айланиб (1910 йил), ўз олдига сиёсий мақсадларни қўйгунига қадар бўлган босқичда Усмон Хўжа жаҳон қарвонидан ортда қолган Бухоро амирлигида юксак маърифатни жорий қилиш орқали тараққиётда ривожланган давлатлар даражасига эришиш орузумида эди. Шунинг учун бир қатор сафдошлари билан биргаликда ўзининг бутун иқтисодори ва куч-қувватини ушбу хайрли фаолиятга сарфарбар этди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Бухорода жадидчилик ҳаракати ривожланиб, 1916 йилдан бошлаб Ёш бухороликлар ташкилоти ўз фаолиятини кучайтирди. Ташкилот фаоллари бўлган Усмон Хўжа, Абдурауф Фитрат, Мусо Саиджонов, Отаулла Хўжаев, Ҳомидхўжа Меҳрий, Садриддин Айний, Мунзим (Абдувоҳид Бурҳонов), Файзулла Хўжаев «амирнинг кўзини очиш ва уни тараққийпарвар ислохотлар қилиш»га кўндириб билан боғлиқ ташвиқот ҳамда тарғибот ишларини олиб бордилар.

Биринчи жаҳон уруши Шарқ дунёсини асоратда тутиб турган йirik мустамлакачи давлатлар ўртасида бошланган ва уруш ҳаракатлари Туркистон минтақасидан узоқ ҳудудларда олиб борилаётган эди. Бироқ тараққийпарвар зиёлилар уруш даврида Шарқ мамлакатлари, жумладан, Бухоро амирлигининг ҳам Россия империяси асоратидан қутулиш соати келган эди, деб ҳисобладилар. Жумладан, Абдурауф Фитрат «Билим-сиз қолган Шарқ бу тўғри йўлни кўра олмади. Бу фурсатни ҳам қочирди. Шарқ бирлашмади, айрилди. Жопуниё (Япония) инглизга қўшилди. Туркия олмонлар билан юрди, Эрон ва Афғонистон бета-раф қолдилар... Хитой ва Туркистондаги мусулмонларга келганда булар дунёда нима бўлуб турганини англаганлари ҳам йўқ эди», – деб ёзганди.

Фитратнинг юқоридаги фикридан кўриниб турибдики, ўша даврда жаҳонда кечаётган жараёнларни теран ва тўғри баҳолай олган Ёш бухороликлар ички масалаларда ҳам қатъий мақсадларга эга эдилар.

Кўп ўтмай, 1917 йилнинг февралда Россия пойтахти Петроградда муҳим сиёсий жараёнлар рўй берди. 300 йилдан ортиқ ҳокимият тепасида турган романовлар сулоласи ҳукмронлигига чек қўйилиб, буржуа демократик инқилоби амалга ошди. Амирликнинг руслар истиқомат қиладиган ҳудудларида ҳокимият Россия муваққат ҳукуматининг ижроия комитетлари қўлига ўтди. 1917 йилнинг 12 мартида Янги Бухоро (Когон)да ижрокўм сайланди. Ёш бухороликлар ўз мақсадларини Россия муваққат ҳукумати орқали амалга ошириш ниятида Петроградга телеграмма орқали муурожаат этиб, амир Саид Олимхонни ислохот ўтказишга кўндирини илтимос қиладилар. Жавоб бўлмагач, иккинчи телеграмма юборилади. Бу билан ҳам қиёяланмай, Абдурауф Фитрат ва Усмон Хўжа Петроградга оғландилар. Улар Оренбургга етиб борганларида Ёш бухороликлар билан амир ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш учун Россия пойтахтидан махсус комиссия йўлга чиққанлиги ҳақидаги хабарни оладилар ва орқага қайтадилар. Чунки бу даврда Усмон Хўжа Ёш бухороликлар партиясининг энг обрўли аъзоларидан бўлиб, 1917 йилда у уч марта Ёш бухороликлар партиясини Марказий Комитетга таркибига киритилган. 1917 йилнинг 15 мартида партия МКга

сайлов бўлиб, Мунзим (Абдувоҳид Бурҳонов) раис, Фитрат қотиб, Усмон Хўжа хазиначи этиб сайландилар. МК аъзоларининг ярмидан кўпи ўз даврида «Гарбияя афол» ташкилотидан чиққан эди. 1917 йилда жойларда Ёш бухороликларнинг 50 дан ортиқ бўлим ва ячейкалари мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти МК томонидан бошқариб турилди. Усмон Хўжага эса партия МКда энг масъулиятли вазифалардан бири (партия назнасини назорат қилиш) юкланган эди. Хуллас, 1917 йил апрелига қадар, яъни Бухоро амири Саид Олимхоннинг манифести эълон қилинган кунгача Усмон Хўжа ўз юртини ислохотлар йўли билан, барча табақаларнинг ҳамжихатлигида юксалтириш, уни жаҳон тараққиёти даражасига яқинлаштириш ниётида бўлган.

### ИСТИҚЛОЛ УЧУН КУРАШ ЙЎЛИДА

**Б**ухоро амири Саид Олимхон 1917 йил 7 апрелда Россия муваққат ҳукуматининг вакиллари А.Я. Миллер, Н.А. Шульга ва маҳаллий жадидлар таъсирида ўз манифестини эълон қилди. Манифест 200 га яқин бухоролик эъгиборли кишилар олдига тантанали равишда ўқиб эшиттирилди. Манифестни эълон қилиш маросимида А.Я. Миллер, Н.А. Шульга каби Муваққат ҳукумат вакиллари, жадидлар, шунингдек, Туркистон жадидларининг отаси Маҳмудхўжа Бехбудий (1875–1919) ҳам иштирок этишди. Сўнги йилларда яратилган тадқиқотларда мазкур манифест матни Миллер ва Шульга томонидан тайёрланиб, амирга ҳаётиятлиги тўғрисидаги маълумотлар берилаяпти. Амир манифести, унинг мазмунини, ундан кейинги жадидлар митинги билан боғлиқ тафсилотларни бу ўринда четлаб ўтишни лозим топдик. Чунки ушбу муаммолар ҳақида тарихий тадқиқотларда кўплаб маълумотлар келтирилган.

1917 йилнинг 8 апрелида жадидларнинг «Яшасин ислохот!» «Яшасин амир!» шiorлари; билан уюштирилган намойиш ташкилотчиларидан бири Усмон Хўжа эди. Намойиш жараёнидаги сиёсий воқеалар туфайли 30 нафар Ёш бухороликлар қамоққа олинди, улар ҳаёти хавф остида қолди.

Намойишчиларнинг ёшлардан иборат гуруҳини бошқарган Аҳмад Найим АҚШлик профессор Э. Оллворт билан ўзаро мулоқотида амир зиндонда Усмон Хўжа, Отаулла Хўжа (Атоуллахўжа; Отаулла Хўжаев) кабилар билан бирга обхонада ётганлигини айтган. Ҳагто усмонли турк тилини яхши билган Отаулла Хўжа унга туркча: «Хўш, Найимхон, бу ерда нега ёлғизсиз!» – деб ҳазиллашган.

Амир зиндонидан қутулган Усмон Хўжа 15 нафар шериклари билан Янги Бухоро (Когон)га келади ва у ердан жадидларнинг бир қисми Самарқандга, бошқа қисми Тошкентга жўнайди. Усмон Хўжа ва Абдурауф Фитрат ҳам Тошкентга муҳожирликка кетишди. Аҳмад Найим эса икки турк зобити ҳамкорлигида амир айноқчилари таъқибидан қочиб, Ашхобод – Машҳад – Тяхрон – Мосул – Дамғон – Табриз шаҳарлари орқали Истанбул (Туркия)га келди.

Усмон Хўжа Бухоро озодлиги масаласини бутун Туркистон халқлари озодлиги ва демократияси билан яхлит ҳолда тасаввур эларди. Шунинг учун у Туркистонда тараққийпарвар кучлар томонидан ўтказилган ҳеч бир жараёни назардан четда қолдирмасди. 1917 йил 8 сентябрда Тошкентда Туркистон мусулмонларининг курултойи иш бошлади. Курултой қатнашчиларини барча тараққийпарвар кишилар қаторида Усмон Хўжа ҳам табриқлади.

Туркистон ўлка Халқ Комиссарлар Совети раиси Ф.И. Колесовнинг Бухорога босқини (1918 йил март)дан сўнг, 1918 йил апрелда Усмон Хўжа Тошкентда Ёш бухороликларнинг сўл эсерлар гуруҳини тузган. У маълум муддат давомида сўл эсерлар партияси аъзоси бўлган. Ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий бюросининг аъзоси (1920 йил февраль).

Хуллас, 1918–1920 йилларда Усмон Хўжа Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида истиқомат қилди ва инқилобий фаолият билан шуғулланди.

1920 йил сентябрда Бухорода амирлик тузуми ағдарилди. Ўша йилнинг 6–8 октябрида собиқ Бухоро амирининг ёзги қароргоҳи Ситораи Моҳи Хосада Бухоро меҳнаткашларининг биринчи курултойи бўлиб, Бухоро Халқ Совет Республикаси эълон қилинди ва Файзулла Хўжаев бошчилигидаги ҳукумат



тузилди. Усмон Хўжа ушбу ҳукуматда молия нозирини (1920–1921) лавозимида иш бошлади. «Бухоро ахбори» газетасининг 1920 йил 21 ноябрда чоп этилган сониде молия нозирининг сифатида унинг буйруғи босилган.

Мазкур буйруқни асл ҳолича келтиришни лозим топдик:

«1920 йил, 12 октябрь, 3-сон

Буйруқ

Ушбу кундан эътиборан Бухоро ва Бухорога тобе барча вилоят ва туманлар аҳолисига молия назоратини томонидан эълон қиламизки: қўлларингда бўлган муҳрсиз ва қолип қозоқ оқчаларни тездан молия назоратини қолмиссиясига келтириб топширсинлар ва ҳам шундан сўнг муҳрсиз ва қолип қозоқларни ҳеч қим олиш-беришга истеъмоқ қилиб олмайсунлар.

Агар бу кун ва бу тарихдан сўнгера яна ҳар қайси олиш берувчи қасаба ва бозор халқи қолип ва муҳрсиз қозоқ оқчаларни олиш-беришга қўлласалар, олган ва берган ҳар икки тараф қаттиқ жазо кўрадулар.

Молия нозирини:  
Усмон Хўжа»

Юқоридаги буйруқдан кўриниб турибдики, янги ҳукумат Бухоро Республикаси ҳудудда амал қилиб келаётган турли гуналар ўрнига ягона пулни жорий қилиш ҳаракатида бўлган. Усмон Хўжа молия нозирининг сифатида ушбу вазифанинг бошида турган-ди. Усмон Хўжа БХСР ҳукуматида Давлат назоратини нозирини (1921), Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитасининг дастлабки раиси (1921 йил август – 1922 йил бошлари) лавозимларида ишлади.

Усмон Хўжанинг ҳаёт йўли ва раҳбарлик фаолияти билан боғлиқ бир лавҳани келтирмоқчимиз. Озодлик учун кураш йўлига кирган Туркия 1921 йил 16 мартда РСФСР билан, 1921 йил 13 октябрда Закавказье Федерацияси билан, 1922 йил 2 январда эса Украина ССР билан дипломатик шартномалар имзоланди. «Совет ҳукумати Туркияга олтин ҳисобида 10 млн. рубллик қурол-аслаҳа, уқ-дори билан ёрдам берди», – дейилади совет даври адабиётларида. Аслида уша пайтда фронтлар ҳалқаси қуршовида қолган совет ҳукумати 1920–1921 йилларда Туркияга моддий ва ҳарбий ёрдам кўрсатиш имконига эга эмасди. Тур-

киянинг Москвадаги вакили Бекир Семибейнинг бу масаладаги илтимосига В. Ленин ва М. Калининлар салбий жавобларини айтиб улгуришанди ҳам.

Бу ёрдам Туркияга БХСР томонидан кўрсатилган. Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Усмон Хўжа БХСР маблағидан 100 млн. олтин сўмни Туркияга юбориш учун Москва ва банкга тоширган. Бу ҳақда Туркиянинг тарихчи олими Меҳмет Сарой етарлича далиллар асосида маълумот беради.

Таниқли турк тарихчиси Меҳмет Сарой ушбу ҳарбий ёрдам бериш масаласи БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиумини йиғилишида муҳокама қилинганлиги, Бухоро Коммунистик партияси (БКП) раҳбари Нажиб Хусайнов Туркияга Бухоро Республикаси томонидан ёрдам берилишига қарши чиққанлигини ҳам қайд қилади.

Бироқ совет ҳукумати Шарқнинг икки мамлақати ўртасида воситачилик қилиш баҳонасида БХСР ҳукуматининг Туркияга моддий ёрдамидан ўндан тўққиз қисминини ўз ҳисобига ўтказиб олади. Туркия халқининг мустақилликка эришувида, аёвсиз жанларда кучли рақиб устидан талаба қозонишида бухоролик ватандошларимиздан Усмон Хўжа каби юртдошларимизнинг муносиб ҳиссаси борлиги биз учун ҳам фахр ва ифтихордир. Айни пайтда маблағларнинг ўзлаштирилиши кишини таажжуб ва ҳаяжонга соладиган воқеалардан бири сифатида ўтмишнинг доно сабоқларга тўла китобидан муносиб ўрин олган, десак адашмаган бўламиз.

Усмон Хўжа Бухоро Республикасида вақф ерларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш, вайрона ҳолатга келган мамлақатни тиклаш, маданий-маърифий ўчоқлар очиш, меъморчилик обидаларини таъмирлаш, 50 минг кишини қизил қўшинини Бухородан чиқариб юбориб, миллий армияга асос солиш, ҳар қандай воситачисиз мустақил халқаро ҳамкорликка киришил, мамлакат чегараларини мустаҳкамлаш, ўзбек тилини давлат тили сифатида расмийлаштириб, ҳаётга татбиқ қилиш учун курашади. Бироқ 1921–1922 йилларда Москванинг Бухоро Республикаси ички ишларига аралашуви кучаяди. Бухоро миллий армияси РСФСР инқилобий ҳарбий кенгаши кўмондонлигига бўйсундирилади. Маълумки, 1921–1922 йил-

ларда Шарқий Бухорода истиқлолчилик ҳаракати авж олганди. Совет раҳбарлари озодлик учун курашчиларни тинчйтишда, оз бўлса-да, вақтдан ютиш мақсадида БХСР давлатининг Усмон Хўжа сингари обрў-эътиборли арбобларидан фойдаландилар. 1921 йил 10 мартда Бутун Бухоро МИКнинг Шарқий Бухоро бўйича фавқулодда ишлар вакиллиги тузилди. Унинг раиси Усмон Хўжа, аъзолари эса Мирзоанвар Азимов ва Абдулҳаким Қулмухаммедов эди. Усмон Хўжанинг укаси Отаулла Хўжаев 1921 йил 12 августда Балжувонда Давлатмандбек билан учрашиб, музокаралардан сўнг ўзаро шартнома имзолашга эришди.

Бу йилларда икки томон ҳам Усмон Хўжанинг халқ орасидаги обрў-эътиборидан ўз мақсадларини кузлаб фойдаланишган. Анвар Пошо Усмон Хўжа орқали РСФСР консули Нагорнийга ультиматум хаги юбориб: «Тезроқ рус қўшинлари бутун Туркистон ва Бухородан олиб чиқиб кетилсин», – деб талаб қилган. Қизил аскарлар эса аҳолидан армия эҳтиёжи учун озиқ-овқат тўплаш, халқни тинчлантириш масъулиятини жумхурраис зиммасига юклаганди.

Марказ тазйиқи кундан-кунга кучайиб, Бухоро Республикасининг мустақиллиги номигагина мавжуд бўлиб қолаётганди. Республика хукуматининг аъзолари большевизм қопқонига тушиб қолганликларини чуқурроқ англай бошлайдилар.

1922 йил 2 январда Шарқий Бухоро бўйича фавқулодда Диктаторлик комиссияси тузилгани ҳамда 1 февралда ҳарбий ҳолат эълон қилинганидан сўнг вазият ёмонлашиб, энди Бухорода ис-талган шахсни ҳеч қандай тўсиқсиз қамоққа олиш, мамлакатдан чиқариб юборишга руҳсат берилганди. Таъкидлаш жоизки, Бухоро Республикасининг миллий мустақиллигини тиклаш учун ҳукумаг билан истиқлолчилар ўртасидаги иттифоқ зарурлигини англаб етган арбоблардан бири ҳам Усмон Хўжа эди.


## Ортада қолган Ватан сарҳадлари...

Архив хужжатларида келтирилмишича, Усмон Хўжа БХСРнинг фавқулодда вакили сифатида Шарқий Бухорода хизмат сафарига юрган даврида, яъни 1921 йил 9 декабрда ўз ёрдамчилари: ҳарбий ишлар нозири муовини Али Ризобек, Термиз гарнизони кўмондони Ҳасанбек ва Дониёлбек ёрдамида Душанбе гарнизонидаги қизил аскарларни куросизлангирришган. Бу пайда Душанбе яқинидаги Иброҳимбек кўрбоши қароргоҳида турган туркиялик ҳарбий саркарда Анвар Пошо ўз ёрдамчилари Ҳожи Сомий (у кейинчалик Салим Пошо номи билан машҳур бўлган) ва Усмон Афандини бир гуруҳ аскарлари билан Усмон Хўжага кўмак бериш учун юборди. Бироқ Иброҳимбек билан тил топиша олмаган Усмон Хўжа Боботоғ томонга чекиниб, 1922 йилнинг январь ойи бошларида ўз ихтиёридаги миллий ҳарбий қисмлар билан биргаликда Бехбудий (ҳозирги Қарши)га келади. Бу ерда турганида у узил-кесил бир қарорга келиб, шўролар билан алоқани узган ва истиқлолчилар томонида ўтган. У кейинчалик Кобулга келган.

Хуллас, тарихий адабиётларда 1922 йил бошларида Усмон Хўжа Бухоро Республикаси хукуматидаги масъуа вазифани тарк этиб, Анвар Пошо томонига ўтиб кетганини қайд қилинади. Лекин унинг келажакдаги ниятларидан бири Афғонистон ҳудудида ўтиб, инглизлардан ҳарбий ёрдам олиш эвазига Бухоро миллий армиясини тузиш ва мустақилликни тиклаш бўлган. Ўша йили қўшни Афғонистон давлатида мақсадига эришиш учун тинмай ҳаракатда бўлган Усмон Хўжага БХСР Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаевнинг «Вазият ёмон, қайтиб ўтирманг!» – деган яшпирин хабари етказилади.

Шундай қилиб, Усмон Хўжа БХСР хукуматининг аксарият арбоблари (Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Муҳитдинов ва б.) сингари Бухоро Республикасини ўз миллий армияси, миллий ҳукумати бўлган мустақил республикага айлангирмоқчи эди. У БХСРдан совет Россиясининг қизил аскарлари олиб кетилиши ҳамда Бухоронинг мустақиллиги учун изчил курашди. Усмон Хўжа 1922 йил бошларидан совет ҳокимияти билан алоқасини узиб, Кобулга келгач, Россияга қарши кураш олиб бориш учун БХСРнинг дав-

## УСМОН ХҲҶА ШАЖАРАСИ<sup>1</sup>



<sup>1</sup>Усмон Хўжанинг шажараси профессор Сулаймон Инояттов маълумотлари асосида тузилди - Муаллифлар изоҳи.

лат бошлиғи сифатида 1922 йил 29 апрелда Афғонистон амири Омонуллахон билан шартнома имзолаган. У Бухоронинг миллий армияси учун хорижий давлатлардан курол-яроғ сотиб олишга ҳаракат қилган. Бироқ инглизлар билан бўлган музокаралардан бирор нагига чиқмаган. Усмон Хўжа кейинчалик Бухорога қайтмоқчи бўлганида Файзулла Хўжаев унга мактуб юбориб, юрг-га қайтмасликни ёзади, мабодо у қайтиб келса большевиклар томонидан отиб ташланиши мумкинлигидан огоҳлантиради.

Нима бўлганда ҳам Усмон Хўжа Ватанига хоинлик, халқига сотқинлик қилиш учун эмас, балки Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун курашни давом эттириш мақсадида муҳожирликка юз тутганди.

### Жон кетар, Ватан қолур...

Усмон Хўжа ҳаёти ва фаолияти икки даврга бўлинади. Унинг биринчи даври ўз Ватани, яъни ота-боболари юрти Бухорода кечди. Усмон Хўжа аввал қисқа муддат Афғонистонда, ундан сўнг асосан Туркияда муҳожирликда яшади. Муҳожирликда ўтган умр саргузаштлари ҳам ўзига хос машаққат ва курашларга тўла. Нима бўлганда ҳам Усмон Хўжа ўз юрти озодлиги ва ҳақиқий истиқлоли учун толмас курашчи бўлганди.

Совет ҳукумати БХСР давлат органларида масъул вазифаларда ишлаб турган, юксак обрў-эътиборга эга бўлган Усмон Хўжанинг мақсадини билишга у хорижга ўтган дастлабки кунларданок қизиққан.

1920–1922 йилларда БХСР ҳукумати номидан Афғонистонда элчилик вазифасини бажарётган Абдурахим Юсуфзода (1880–1937)ни совет Россиясининг Афғонистондаги элчиси Ф. Раскольников ўз ҳузурига чорлаб, Усмон Хўжага одам юборишни ва унинг мақсадидан воқиф этишни талаб қилган. Таъйиқ туфайли А. Юсуфзода Бухоро элчихонаси бош котиби Мирза Муҳаммад Шариф Хўжани Усмон Хўжа ҳузурига юборган.

Усмон Хўжа унинг Афғонистонга қочиб ўтиши сабаби билан боғлиқ саволга: «Мен ўрислар оддий фуқароларни қандай талаётганларини, азоблаётганларини кўрдим. Улар «босмачилар»га қарши

курашиш баҳонасида аҳолини таладилар, шунга ўхшаш безорилıklar кўп бўлди», – деб жавоб берган.

XX асрнинг 20-йилларида Афғонистонга кўчиб ўтган ўзбек муҳожирларидан Қози Ҳожи, Қори Абдулла, Норқул Ботир, Донийёлбеклар Ф. Хўжаевга махсус мактуб йўллаб: «Бухоро мустақиллиги фақат сўзда эшитилади, аслини олганда эса, кекса инқилобчилардан бири қарамон Усмон Хўжа Бухоро жумҳурияти раиси бўлишига қарамай ўрис консули ва сизга қарши уруш эълон қилди. У барча зулмага бардош беролмасдан – у томонга (Афғонистонга) ўтишни афзал кўрди», – деб ёзган эдилар.

Усмон Хўжа билан маслақдош ва фикрдош бўлган Абдурахим Юсуфзода, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаевлар кейинчалик тергов жараёнларида Усмон Хўжанинг Афғонистонга ўтиши ҳақида БХСР ҳукумати арбобларидан махсус кўрсатма олганлиги (Абдулқодир Муҳитдинов орқали), инглиз ва афғонлардан ҳарбий ёрдам олиб қизил армияга қарши кураш олиб бориш ниятида эканлигини қайд қилдилар. Эҳтимол, бу фикр қай даражада ҳақиқат эканлигини мушоҳада қилиб кўрип керак бўлар, бироқ нима бўлганда ҳам, Усмон Хўжа кўшни давлат Афғонистонга ўтиб, ҳарбий куч тўплаш ва Ватан озодлиги учун янидан кураш майдонига кириш ниятида эди, дейишга ҳам асослар бор. Большевикларнинг буюк давлатчилик ва зўравонликдан иборат сиёсати эса уни ўз она юртидан узоқлаштирган омил бўлганлиги ҳам ҳақиқат.

Туркиялик ўзбек муҳожир Аҳад Андижонийнинг ёзишича, бу даврда Афғонистон ҳаудида турк зобити Ҳожи Сомий ва унинг 35 нафар тарафдорлари келишганди. Аҳмад Закий Валидий Тўгон ҳам Афғонистонда сиёсий муҳожир бўлиб яшаётган, истиқболда Туркистон Миллий Бирлиги Комитети (ТМБК) фаолияти билан боғлиқ дастур тузиш ишлари билан банд эди. Усмон Хўжа билан Аҳмад Закий Валидий ўзаро учрашадилар ва Афғонистондан туриб миллий мужодала ҳаракатини давом эттиришга келишиб оладилар.

Усмон Хўжа Афғонистонда туриб Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатига ғоявий жиҳаддан раҳбарлик қилишга уринган. Анвар Пошо ва айрим кўрбошилар билан алоқаларни йўлга қўйган. Анвар Пошо ҳалок бўлгач (1922 йил 4 август), унинг хотираси-

га бағишлаб ўзбек ва тожик тилларида иккита марсия яратиб, уларни аскар йигитларга ўргатди.

1923 йил 26–28 июнда хорижий мамлакатлардаги муҳожир туркистонликларни бирлаштириш ва миллий ҳаракатларни давом эттириш учун Кобул яқинида Туркистон Миллий Бирлигининг махус конгресси бўлади. Бу конгрессда туркистонлик муҳожирлардан Абдуҳамид Орипов Афғонистонда қолиб ишни давом эттириши, Ҳошим Шойиқ Ёқубов Японияга йўл олиши, Муфти Садриддинхон (Садриддинхон Шарифхўжаев) ва Туроббек Машҳад (Эрон)га бориши, Усмон Хўжа эса Туркияга қараб йўлга чиқишига келишилади.

Усмон Хўжанинг Афғонистонда қолиши узоқ чўзилмади. У Ҳиндистон орқали Туркия сафарига чиқади. Усмон Хўжа билан бир пайтда Аҳмад Закий Валидий Тўгон ҳам Афғонистондаги Бухоро элчихонаси томонидан берилган «Бухоро фуқароси» паспорти билан Туркияга, ундан эса Европага кетиш учун йўлга чиққанди.

Усмон Хўжа 1923 йил сентябрда Истанбулга келган ва Туркия ҳукуматига сиёсий боппана сўраб мурожаат қилган. Уни янги ташкил топган Туркия Республикасининг биринчи президенти Мустафо Камол Отагурк давлат раҳбарларига кўрсатиладиган олий мақомда кутиб олган.

Усмон Хўжани ўз меҳмонидек қабул қилган Мустафо Камол унга эндигина шаклланиб келаётган ёш Туркия Республикаси ҳукуматида масъул вазифада ишлашни таклиф этади. Сўнги тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу таклифга жавобан Усмон Хўжа бундан кейин Туркистон маданияти масалалари билан шуғулланиш мақсади борлигини айтади. Мустафо Камол Усмон Хўжага маънавий ва моддий мадад беришини айтиб, унга Туркия давлати миқёсидаги нафақа белгилайди. Ушбу нафақани Усмон Хўжа умрининг охиригача, вафотидан сўнг эса хотини оладиган бўлди.

Усмон Хўжанинг кейинги фаолияти у хорижда яшатан муҳожирликдаги ўзбекларнинг сиёсий жараёнлардаги етакчи арбобларидан бири бўлганлигини исботлайди.

Миллатпарвар шоир, адиб ва давлат арбоби Абдурауф Фитратга қўйилган айбловлардан бирида кўрсатилишича,

у «Хориждаги аксилинқилобий миллатчи муҳожирлар (Усмон Хўжа, Ҳошим Шойиқ) ва афгон ҳукуматининг айрим арбоблари (Афғонистоннинг Тошкентдаги собиқ консули Муҳаммад Асламхон ва Мирза Муҳаммадхон миссиясига раҳбарлик қилган генерал Муҳаммад Вализон) билан доимий тарзда алоқа қилиб турган».

Шунингдек, Фитрат ва Файзулла Хўжаев Афғонистонга Усмон Хўжа билан учрашиш учун Хайдар Ҳаётий (Ф. Хўжаевнинг шахсий коғиби)ни юборишанлиги ҳақида ҳам тергов материалларида маълумотлар мавжуд. 1922–1923 йилларда бир гуруҳ бухоролик талабалар билан Берлин (Германия)га ўқишга юборилган Азиз Хўжаев мамлакатга қайтиб келганидан сўнг 1936 йилда Фитратнинг яқин одами сифатида ГПУ ходимлари томонидан қамоққа олинади ва беш йилга Соловки ороллари (РСФСР)га сургун қилинади.

Ушбу маълумотлар қай даражада ҳақиқат эканлигидан қатъи назар, Фитрат ва Файзулла Хўжаев сингари арбоблар билан Усмон Хўжа ўртасидаги маслақдошлик, мақсад ва интилишлар муштараклиги анъаналари қатагон йилларида ҳам сақланганига шак-шубҳа йўқ.

Тарихий далиллар шуни кўрсатадики, БХСР ҳукуматининг бошлиғи Ф. Хўжаев амакивачаси Усмон Хўжа билан имкон қадар алоқа ўрнатишга, Туркистон озодлиги учун курашлардаги ишларидан бир-бирларини хабардор қилиб туришга ҳаракат қилишган. Тарих гувоҳлик беришича, Бутун Бухоро МИК раисининг ўринбосари Муинжон Аминов бир муддат Афғонистонда яшатган ва Усмон Хўжа билан Ф. Хўжаев ўртасидаги мактуб ёзишмалари алоҳасини амалга оширган. Афсуски, ушбу мактуб нусхалари ҳозиргача топилмаган.

Кейинчалик эса Москвада таҳсил олаётган бухоролик талаба Милсбах Бурҳонов бу ердаги Туркия элчихонаси орқали Туркиядаги ўзбек муҳожирлари ва Усмон Хўжа билан бўлган ўзаро алоқаларда воситачилик қилган. Нафақат Ф. Хўжаев, балки БХСР ҳукумати аъзоларидан Отаулла Хўжаев ва Ҳамро Хўжаев ҳам Усмон Хўжа билан мактубий алоқада бўлганлар. Баъзи фикрларга қараганда, Файзулла Хўжаев Усмон Хўжанинг Туркияда чоп эттирган «Янги Туркистон» журналадан хабардор бўлиб, ушбу нашрни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган.

Усмон Хўжада ваганпарварлик тўйғуси кучли бўлган. Шунинг учун у Туркия Республикасида туриб бўлса-да, миллий озодлик учун курашни давом эттирди. Туркия ва ер юзининг турли давлатларида тарқалиб кетган туркистонликларни ягона бир миллий ташкилотга бирлаштириш учун тиришди.

Ушбу мақсадда 1927 йилнинг 15–29 март кунлари Истанбулда Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотининг конгресси ўтказилди. Аҳмад Закий Валидий Тўгон, Усмон Хўжа, Мустафо Чўқай, Абдулқодир Сулаймон, Мустафо Шоҳхули, Маъмур Нилезий Конгрессни ўтказиш ташкилотчилари эдилар. Конгресс фаолиятига Аҳмад Закий Валидий Тўгон раислик қилди ва Туркистон Миллий Бирлиги (ТМБ) ташкилоти қайта ташкил этилди.

Усмон Хўжа муҳожирликда асосан Туркия, бир муддат Афғонистон (1922–1923), Польша (1939–1945), Покистон (1951–1957) давлатларида яшagan. Туркистон мустақиллиги учун курашни у мафкура майдонига кўчирган. Валидийнинг асосий сафдоши сифатида Туркистон Миллий Бирлиги фаолиятида муҳим роль ўйнаган. Истанбул ва Берлинда ўз сафдоши Мажидиддин Аҳмад билан араб ва лотин имлосида Туркия туркчасида «*Yeni Turkiston*» («*Янги Туркистон*») журнали (1927 йил июнь – 1932 йил сентябрь)ни чиқариб, унга муҳаррирлик қилган. Журнал саҳифаларида Туркистонда совет режимига қарши кураш кураш масалаларини ёритишга алоҳида эътибор қаратган.

Усмон Хўжа Анқарада Турк култури (Турк Маданияти) институтини ташкил қилишда катта жонозлик кўрсатган. Туркистон тарихига оид кўплаб асарлар, жумладан, «Туркистон» (Истанбул, 1936) рисоласининг муаллифи.

Усмон Хўжа 1927–1932 йилларда «Янги Туркистон» журналинини ташкил этиб, унда ўз мақолалари, рисоласи ва шеърлари билан иштирок этди. Мажмуанинг 1-сонидан Усмон Хўжанинг «Туркистонда турк адабиётининг мафкуравий ҳолатига бир назар» номли мақоласи чоп этилиб, унда Фитрат, Ҷўлпон, Мағжон, Элбек, Боту сингари милагпарвар ижодкорлар ҳақида ва миллий мафкура тўғрисида кенг фикр юритилади.

Журналнинг бир қатор сонларида Усмон Хўжанинг мақолалари билан бирга унинг учта шеъри ҳам босилиб чиқади. Шундай шеърларидан бири 1922 йилнинг 4 августидан Балжу-

вонда шаҳид бўлган Анвар Пошо хотирасига агаб ўзбек тилида ёзилган «Интиқом... Ол интиқом» (1922 йил август) марсияси эди. Марсияда ушбу сағрлар мавжуд:

Турклик қони томирларда бугун қайнар;  
Эрта чиқиб Туркистонда байроқ очар,  
Бутун дунё сўзимизга қулоқ солар,  
Хар бир давлат келиб биздан элчи сўрар,  
Интиқом... Ол интиқом!

«Янги Туркистон» журнали орқали Усмон Хўжа туркистонликларнинг хориждаги минг-минглаб фарзандларини миллий ўзликни англаш ва ваганпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилди. Бутунги кунда ҳам журналда босилган мақолалар ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас.

Усмон Хўжа Туркистон жамиятлари чет элларда уюштирган анжуманларда имкон қадар иштирок этиб, нутқ ирод қилар, барча муҳожирларни Туркистон озодлиги йўлида яқдилликка чақирарди. 1936 йил май ойида ўтказилган ТМБнинг навбатдаги анжуманларидан бирида Усмон Хўжа Туркистон тарихи, бутунги ахvoli, истиқболи, озодлик учун курашдаги вазифалар тўғрисида катта нутқ сўзлади. Унинг ушбу нутқи ўша йилиёқ, Истанбулда Туркия туркчасида, араб имлосида «Туркистон» номи билан нашр этилди. Демак, бизга Усмон Хўжадан «Туркистон» рисоласи ҳам мерос бўлиб қолди.

### Қисматга битилган ваганжудолик

Усмон Хўжа бутун вужуди билан озодлик ва мустақиллик учун курашга берилиб кетганлигини у билан турли даврларда мулоқотда бўлган ўзбек муҳожирлари ҳам тасдиқлайдилар. XX асрнинг 60-йилларида кексайиб қолган Усмон Хўжа билан Истанбулда учрашиб қолган туркиялик ўзбек муҳожир Насруллохон Тўра Маҳмулхон Тўра ўтли куйидагича эслайди:

– Истанбулда ўзбек муҳожирларидан бирининг уйидаги меҳмондорчиликда узоқ қариндошимиз бўлган Усмон Хўжа би-

лан учрашганман. У дастурхон тuzатилган жойга келиб, мени ўрнидан туришига ундади ва «Уруш марши»ни сафда юраётганлардек қаддини рост тутиб, айта бошлади:

*Кўзалинг, кўзалинг, ёвга кўзалинг,*

*Эй Ватан қахрамонлари!*

*От солинг, от солинг, ёвга от солинг!...*

*Эй Ватан қахрамонлари!*

Бутун вужуди билан Ватанни севган, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун кураш йўлига кирган шахстига ана шундай ҳаракат қилишни мумкин.

Усмон Хўжа Иккинчи жаҳон уруши йилларида Польша, урушдан сўнг Покистон давлатлари ҳудудларида маълум муддат муҳожир бўлиб яшади. У 1951 йилда Покистоннинг Пешовар шаҳрига кўчиб ўтади. Ўша пайтда Покистон ва Афғонистон ҳамон ўзбек муҳожирлари зич яшаётган давлатлар бўлиб қолганди. Покистонда ҳам озодлик учун курашлар давом эттирилиб, Усмон Хўжа қайноғаси Сайид Анвархон, собиқ Бу-хоро амирининг ўғли Сайид Амирхон, муҳожир ўзбек Ҳожи Маҳмудхон билан биргаликда фаолият кўрсатди. Совет жосуслик идораларининг маълумотига кўра, 1953 йилда Усмон Хўжанинг топшириғи билан Сайид Анвархон ва қоратегинлик муҳожир Мулла Давлат Туркистондаги вазиятни билиш учун Помир (Тожикистон)га келиб кетишган. 1954 йилда эса Усмон Хўжанинг ўзи ҳам Абдулла Хўжа номи остида шахсан Помирда бўлган. Совет махфий идораларининг бундай мазмундаги маълумотларини изоҳлаш қийин бўлиб, бу ҳол кейинги тадқиқотларда ойдинлашади.

Усмон Хўжа ҳаёт билан видалашуви олдидан ўғли Темур Хўжани ўз хузурига чорлаб, унга шундай васият қилган: «Мен сенга банкда пул қолдираётганим йўқ, баланд қасрлар, ҳосилдор ерлар ҳам қолдираётганим йўқ, сени суяб юрадиган опа-ука қолдирмадим, фақат ҳаммаша ёдингда тутишинг учун Ватан ҳасратини қолдирдим».

Усмон Хўжа ўз умрининг сўнгги йилларини Истанбулда ўтказди ва 1968 йилнинг 28 июлида шу шаҳарда вафот этди. У

ўзининг 90 йиллик умри давомида ўта чигал ва мураккаб ҳаёт сўқмоқларидан ўтишига тўғри келди. У бир неча бор шум ни-ятли совет жосусларини доғда қолдирган ва ўз эътиқолида собитқадам турган инсон эди. Усмон Хўжанинг дафн мароси-мида ўнлаб мамлакатлардан юзлаб миллатдошларимиз ишти-рок этишди. Туркия Республикасида обрў-эътиборли инсон-лар, ҳукумаг раҳбарлари вафот этганда турк миллий байроғига ўраб дафн этишади. Ватандошимиз Усмон Хўжа ҳам ана шун-дай хурмагга сазовор бўлган инсонлардан биридир. Усмон Хўжанинг хоки Истанбулга – Сулонтена (Ускудор)даги ўзбеклар қабристонига қўйилган, Унинг қабри устига хотира лавҳаси ўрнатилган.



Усмон Хўжа фаолиятига бағишланган ва унинг асарларидан намуналар ҳам киритилган «Туркистонда янгилик ҳаракатлари ва ислохотлар: 1900–1924 й.» номи китобни унинг ўғли – Фал-сафа доктори Темур Хўжа (Темур Хўжайўғли) нашрга тайёрлади ҳамда 2001 йилда Гаарлем (Голландия) шаҳрида битта муқова остида инглиз, турк, ўзбек тилларида нашр қилдирди. Усмон Хўжанинг айрим асарлари Ўзбекистон магбуотида босилган. Шу-нингдек, «Yeni Turkiston»дан танланган мақолалар Аҳаг Андижон томонидан 2005 йил Истанбулда яхлит китоб ҳолатида босилди.

Усмон Хўжанинг ўғли Кўч университети (Истанбул) профес-сори Темур Хўжайўғли (1947 йил Истанбулда туғилган) машхур адабиётшунос ва жадидушunos олим бўлиб, у 1990 йил октябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистонда, жумладан, ота юрти Бухоро-да бўлган. Усмон Хўжанинг ўғли Темур Хўжайўғли билан ушбу китоб муаллифларидан бири 2009 йил 28 мартда Истанбул шаҳридаги «Ўзбек-отель» меҳмонхонасида учрашди ва ундан отаси тўғрисидаги муҳим маълумотларни ёзиб олди. Дарвоқе, ушбу меҳмонхона ўрнида аввал ўзбеклар тақияси бўлиб, унга Усмон Хўжа асос солган эди.

Усмон Хўжа

## ИНТИҚОМ... ОЛ ИНТИҚОМ!

(Марсия)

Турк боласи ўрислардан кўп сикилди,  
Эр қирилди, қиз эзилди, юрт ишқилди.  
Хамиятлик Анвар Пошо уни сураб  
Келиб, озод этмак учун шаҳид бўлди.  
Интиқом... Ол интиқом!

Ватан учун бизникилар жон бералар,  
Миллат учун душманлардан ўч олалар.  
Бугун Чингиз авлодлари от ўйнаптиб,  
Белда қилчи, ўмузларда бешотарлар.  
Интиқом... Ол интиқом!

Туркистондан ўрисларни ҳайдаб, қувиб,  
Соҳибқирон Темурбекни шод этарлар.  
Болаларга мактаб очиб, татлим бериб,  
Узбекнинг тарихини ёд этарлар.  
Интиқом... Ол интиқом!

Турклик қони томирларда бугун қайнар,  
Эрта чиқиб, Туркистонда байроқ очар.  
Бутун дунё сўзимизга қулоқ солар.  
Ҳар бир давлат келиб биздан элчи сўрар.  
Интиқом... Ол интиқом!

Ўғун демак турк боласи роҳат турур.  
Барча миллат нажот топиб, юзи кулар.  
Турк боласи ҳушуммаса, тинч ўтирмас,  
Ер юзида танилмаса, уруш турмас.  
Интиқом... Ол интиқом!

(Хайрулла Исмаилов. Чўлпон ва жаҳон //Türkiстан'da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller: 1900–1924. Osman Hoca Anısına İncelemeler. Hazırlayan Timur Kocaoğlu. Haartlem, 2001. 255–256-бетлар.)

Тошпўлат Аҳмад

## УСМОН ХЎЖАНИНГ ЎҒЛИ ТЕМУР ХЎЖАГА СЎНГГИ ВАСИЯТИ

(Шеър)

Мен Ватан деб Ватандан кечдим,  
Борлигиму жон-тандан кечдим.  
Бог-бўстоним – чамандан кечдим,  
Кечганим йўқ, аммо имондан.

Бухоро бир қадамжо эди,  
Илму урфон мустажоб эди.  
Маккадаийн саждагоҳ эди,  
Қолиб кетди аммо тўфонда.

Ростин айтсам, гўрлар эканмиз,  
Кўзи очиқ кўрлар эканмиз.  
Пешонаси шўрлар эканмиз,  
Юрмас эдик йўқса армонда.

Ёлгон экан ўшал инқилоб,  
Нигоҳимиз аллади сароб.  
Юрак куйди, жисму жон хароб,  
Бош кўтармай қолдик ҳайронда.

Кўз тегмасин, болам, сенга ҳеч,  
Энди ҳаёт тугунларин еч.  
Юртинг учун ҳаловатдан кеч,  
Қолмагaysан биздек ҳижронда...

Золим асло дўстинг бўлмайди,  
Есан билан кўзи тўймайди.  
Ўлдиради, ўзи ўлмайди,  
Улар аянч бу ломаконда.



Масжидимиз этди отхона,

Мадрасалар бузгун – ётхона.

Мозоримиз тўзгун – додхона,

Рухлар хор-зор еру осмонда...

Кўрдим: элнинг бағри ҳамон қон,

Эрк ўрнига юз очди зиндон.

Дийнатдан қолмагач нишон –

Қолган умрим кечди бўҳронда.

Билсанг, ҳамон юраман сўлиб,

Бир ёнда чин босмачи қолиб.

Биз ном олдик “босмачи” бўлиб...

Бундан ортиқ гам йўқ жаҳонда.

Ўз юртимга қарши оҳ уриб,

Утлар очдим хорижда туриб.

Жоҳил замон ташлади суриб,

Мен беқанот қолдим афзонда...

Болам, ўзи дунё бири кам,

Адашганни кечирсин Эгам.

Айбламайман ҳеч кимни бу дам,

Юрт қолмасин эски замонда.

Дўст-душманни кўрсатгай ҳаёт,

Қўёш бир кун нур сочажак шод,

Элм шунда мени айлар ёд –

Озод қулган Турку Туронда.

Сўнги сўзим жисму жонга ил:

Бухорони Маққатуллоҳ бил,

Мен қилмаган хизматни сен қил,

Тинч ётайин сўнги маконда.

Юртга бориб, саломимни айт,

Согинчимни – пайғомимни айт,

Туврогини ўтиб-ўтиб айт:

Рухим кезгай Ўзбекистонда ...

1992 йил

(Тошпўлат Аҳмад. Шарқ гавҳари [Сайланма].

Тошкент: Шарқ, 2007. 64–66-бетлар.)

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. *Абдурауф Фитрат*. Шарқ сиёсати. – Бухоро, 1992.
2. *Аҳмад Закии Валидий Тўгон*. Бўлингани бўри ер (Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар). Бошқира тилидан Ш. Турдиев таржимаси. – Т.: Адолат, 1997.
3. *Ahat Andican*. *Cedidizm'den Bagimsizliga Haricte Turkistan Mucadelesi*. – Istanbul, 2003.
4. *Mehmet Saray*. *Ataturk'un Sovyut Politikasi*. – Istanbul, 1990.
5. *Мунаввархори Абдурашидхонов*. Хотираларимдан (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи С. Холбоев. – Т.: Шарқ, 2001.
6. *Мингноров А.* Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий ташкилотлар (миллий мағбуот материаллари асосида). – Т.: Маънавият, 2002.
7. *Муҳаммад Али Балжувоний*. Тарихи нофеий (Фойдали тарих). Тожик тилидан Ш. Воҳидов ва З. Чориев таржимаси. – Т.: Академия, 2001.
8. *Маҳмудбек Ойқорали*, *Саид Маъруф Каримий*, *Ғулом Аббос*. Туркистонни «озод» қилмоқчи бўлганларнинг ҳақиқий башараси. Т., 1969.
9. *Шамсуддинов Р.* Усмонхўжа Ваган хоини эмасди // «Халқ сўзи», 1991 йил 15 октябрь.
10. *Ражабов К.К.* Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917–1935 й.). – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. *Ражабов К.К.* Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 2005.
12. *Ражабов К., Хайдаров М.* Туркистон тарихи (1917–1924 й.). – Т.: Университет, 2002.
13. *Ражабов К.* Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920–1924 йиллар). – Т.: Маънавият, 2002.

14. *Ражабов К.* Истиқлол курашчиси Усмон Хўжа ҳақида // «Вазият», 2006 йил 16–28 февраль.
15. *[Ражабов К.,] Хайитов Ш.* Усмон Хўжа // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2005. 136-бет.
16. *Ражаббой Ота Турк*. Вагап дея Вагансиз ўтдик // «Халқ сўзи», 1991 йил 25 январь.
17. *Рашидов У.* Бухоро Халқ Республикаси (1920–1924 йиллар). – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2003.
18. *Сайид Мансур Олимий*. Бухоро – Туркистон бешиги. Форс тилидан Ҳ. Тўраев таржимаси). Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2004.
19. *Садриддин Айний*. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. Саккиз томлик. Биринчи том. Тўғловчи М. Ҳасанов. – Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1963. 181–349-бетлар.
20. *Turkistan'da Yenilik Hareketleri ve Ihtilaller*. *Osman Nosa Anisina Inceemeleler*. *Hazirlayan Timur Kosaog'lu*. – Haarlem, 2001.
21. *Тошпўлат Аҳмад*. Шарқ гавҳари (Сайланма). – Т.: Шарқ, 2007.
22. *Усмонхўжа ўғли Темурхўжа*. «Мен Ваганда эмасман. Ваган менинг ичимда» // «Муносабат», 1990 йил 30 ноябрь.
23. *Файзулла Хўжаев*. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. (Қайта нашри). – Т.: Фан, 1997. 61–174-бетлар.
24. *Файзулла Хўжа*. Хотирамда // «Бухоро ахбори», 48-сон, 1921 йил 1 сентябрь.
25. *Шодмонова С.* Немис ва турк тарихшунослигида совет муштамлақчилигига қарши кураш масаллари (1920–1924 й.). – Т.: АБУ МАТБУОТ-KONSALT, 2008.
26. *Элтир*. Истанбулда Туркистон кунни // «Ёш Туркистон», 1930, 12-сон, 29–32-б.
27. *Эргашев Б. Х.* Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. – Т.: Фан, 1990.
28. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я. Раджапова. – Т.: Шарқ, 2000.

29. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-киتاب. Ўзбекистон совет мустақилчилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Т.: Шарқ, 2000.
30. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 й.). 10-синф ўқувчилари учун дарслик. Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Т.: Шарқ, 2000.
31. Қиличев Ф. Мустақилликнинг фожеали йўли // «Шарқ юлдузи», 1992, 7-сон. 151–165-б.
32. Қосимов Ф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 1996.
33. Ҳайитов Ш. Усмонхўжа: Пўлатхўжаев ким эди? // «Бухоро мавжлари», 2005, 3-сон, 28–29-б.
34. Ҳайитов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи. – Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008.
35. Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев – миллий истиқлол курашчиси. – Бухоро, 2007.
36. Ҳайитов Ш.А. История узбекской эмиграции XX века. Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т.: 2009.
37. «Yeni Turkistan»dan secilmis makaleler (1927–1931). Geviri Sorumlusu ve Geveri Grubu Baskani Ahat Andican. – Istanbul, 2005.

## Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Беғубор болалик ва ёшликдаги жўлқин йиллар.....	4
Туркия сафари.....	6
Маориф фидойиси ва тарғибогчиси.....	8
Ватан тақдирини ўйлаб.....	10
Истиқлол учун кураш йўлида.....	12
Ортада қолган Ватан сарҳадлари.....	17
Усмон Хўжа шажараси.....	18
Жон кетар, Ватан қолур.....	20
Қисматга битилган ватанжудолик.....	25
Усмон Хўжа. Интиқом... Ол интиқом! (марсия).....	28
Тошпўлат Аҳмад. Усмон Хўжанинг ўғли Темур Хўжага сўнги васияти (шеър).....	29
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	32

**Қахрамон Кенжаевич Ражабов,**  
тарих фанлари доктори

**Шодмон Аҳмадович Ҳайитов,**  
тарих фанлари доктори

## **УСМОН ХҲҲА**

(рисола)

Ўзбек тилида

Мухаррир В. Умиров  
Техник муҳаррир У. Хамутов

Компьютерда магн терувчи С. Ражабова  
Мусаҳҳиҳ Н. Сайдахмедова

Дизайнер Г. Насридинова  
Компьютерда саҳифаловчи С. Сайдахмедова

«ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти.  
100011, Топкент ш., Навоий кўчаси, 16-А уй.

Телефон: (+99871) 241-0169

Факс: (+99871) 241-0173

e-mail: abu\_msc@uzconsult.org  
abu.matbuot-consult@yandex.ru

Нашр. лид. АI № 090, 16.07.2007. Босилга 18.03.2011 йилда руҳсат эгилди.  
Бичими 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>, Шартли босма тобоғи 2,09. Нашр тобоғи 2,25.  
Адади 2000 (биринчи завод – 1000). Буюртма №11-013.  
Баҳоси шартнома асосида.

«ABU MATBUOT-KONSALT» МҲҲ  
матбаа бўлимида босилди.